# ЮТУҚЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Чирчиқ | 7,4 | 7,4 | 8,9 | 4,6 | 7,1 | 3,2 |
| Янгийўл | —1,6 | —4,5 | 0,2 | —2,8 | —2,5 | —7,0 |
| Районлар | | | | | | |
| Оққўрғон | 4,3 | 5,0 | —4,3 | —3,7 | —7,6 | —17,9 |
| Оҳангарон | —2,4 | 6,2 | —2,1 | 6,5 | 2,9 | 6,9 |
| Бекобод | 4,1 | —3,1 | 2,4 | —4,6 | 8,9 | —20,9 |
| Бўстонлиқ | — | —1,7 | 3,6 | 1,8 | 4,5 | —5,2 |
| Бўка | —6,6 | —14,5 | —5,7 | —13,6 | —12,7 | —41,3 |
| Ғалаба | —2,3 | —9,2 | —4,1 | —10,8 | —8,8 | —13,4 |
| Калинин | 7,9 | 6,1 | 10,3 | 8,6 | 16,1 | 4,0 |
| Коммунистик | 8,7 | 6,4 | 8,9 | 6,6 | 0,6 | 4,4 |
| Оржоникидзе | 7,8 | 7,2 | 9,8 | 9,2 | 9,5 | 7,2 |
| Паркент | —4,4 | —6,8 | —0,7 | — 3,2 | —9,6 | —4,0 |
| Пискент | —4,8 | 9,9 | 10,3 | 15,7 | 12,8 | —21,7 |
| Ўрта Чирчиқ | 2,1 | —3,4 | 3,3 | —2,3 | —0,7 | —1,4 |
| Тошкент | —0,2 | —3,5 | 1,7 | —1,6 | —0,5 | —0,6 |
| Чиноз | 6,5 | 3,9 | 9,3 | 6,6 | 8,4 | 10,7 |
| Янгийўл | 7,8 | 2,5 | 12,1 | 6,7 | 11,9 | —1,9 |

Корхоналарнинг 73 проценти **шартнома мажбуриятларини** тўла ҳажмда уддаладилар. Умуман, маҳсулот етказиб бериш бўйича мажбуриятлар ҳисобга олиниб, маҳсулот реализацияси плани 97,2 процент қилиб бажарилди.

Металлургия саноат корхоналари (ишлаб чиқариш плани 101 процент қилиб бажарилди, ўсиш суръати 5,4 процентни ташкил этди), химия-ўрмон (шунга мувофиқ 102 процент ва 11,7 процент) ва агросаноат комплекслари (106 процент ва 6,9 процент) корхоналари бир маромда ишладилар.

Пландагидан ташқари 3,5 минг тонна пўлат, 1,1 минг тонна қора металлар прокати, 4,8 минг тонна минерал ўғитлар, 2.4 минг тонна олтингугурт кислотаси ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Шу билан бирга айрим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш плани бажарилмади. Тошкент компрессор заводи компрессорлар, «Таштекстильмаш» заводи йиғирув машиналари тайёрлаш планининг бажарилишини таъминламади.

Белгиланганига нисбатан 310 минг сўмлик кам приборлар, автоматлаштириш воситалари ва уларга эҳтиёт қисмлар, 648 минг сўмлик химия асбоб-ускуналари ва уларга эҳтиёт қисмлар кам ишлаб чиқарилди.

Планга нисбатан 5,5 миллион сўмлик тикувчилик буюмлари, 156 минг дона трикотаж буюмлари, 79 минг сўмлик мебель кам берилди.

**Агросаноат комплекси** озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан асосий озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва планнинг бажарилиши қуйидагича бўлди:

| | 1987 йилнинг I кварталида ишлаб чиқарилди | I квартал планининг бажарилиш проценти | 1987 йилнинг I кварталида 1986 йилнинг I кварталига нисбатан процент ҳисобида | 1987 йилнинг мартида 1986 йилнинг мартига нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|---|---|
| Гўшт (давлат ресурслари хом ашёсидан) — минг тонна | 15,4 | 97 | 99 | 128 |
| Колбаса маҳсулотлари — минг тонна | 9,2 | 101 | 101 | 101 |
| Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари сутга айлантириб ҳисоблаганда (давлат ресурслари хом ашёсидан) — минг тонна | 50,7 | 106 | 107 | 104 |
| Ўсимлик мойи (давлат ресурслари хом ашёсидан) — минг тонна | 15,1 | 97 | 120 | 93 |
| Кондитер маҳсулотлари — минг тонна | 22,8 | 99,6 | 100,0 | 97 |
| Консервалар — шартли миллион банка | 38,3 | 115 | 152 | 149 |

Барча категориядаги хўжаликларда чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш қуйидагича бўлди:

| | I квартал 1986 йил | I квартал 1987 йил | 1987 йилнинг I кварталида 1986 йилнинг I кварталига нисбатан процент ҳисобида | 1987 йилнинг мартида 1986 йилнинг мартига нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|---|---|
| Чорва ва парранда (тирик вазнда) — тонна | 13145 | 14947 | 113,7 | 132,9 |
| Сут — тонна | 32731 | 36306 | 110,9 | 108,5 |
| Тухум — минг дона | 91490 | 100644 | 110,0 | 113,5 |

Биринчи кварталда Бекобод, Бўстонлиқ, Оржоникидзе, Ўрта Чирчиқ ва Чиноз районлари хўжаликларида чорва ва парранда, Бўка, Ғалаба, Коммунистик, Паркент, Тошкент ва Чиноз районлари хўжаликларида тухум харид қилиш ҳажмининг камайишига йўл қўйилди.

Область колхозлари, совхозлари ва хўжаликлараро корхоналарида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан гўшт етиштириш 12,8 процент, сут 9,8 процент, тухум 9,1 процент кўпайди. Ҳар бир соғин сигирдан соғиб олинган ўртача сут миқдори 6,1 процент, ҳар бир товуқдан тухум олиш 9,9 процент ошди.

Колхозлар, совхозлар ва хўжаликлараро корхоналарда чорва ва парранда сони қуйидагича бўлди (минг бош):

| | 1 апрелгача 1986 йил | 1 апрелгача 1987 йил |
|---|---|---|
| Қорамол | 178,7 | 183,9 |
| шу жумладан, сигирлар | 55,0 | 56,5 |
| Чўчқалар | 185,5 | 190,5 |
| Қўй ва эчкилар | 404,9 | 364,9 |
| Парранда | 6620,9 | 6426,7 |

Оққўрғон, Янгийўл, Бўстонлиқ, Пискент ва Тошкент районлари хўжаликларида йирик шохли қорамол, Бекобод, Тошкент, Ўрта Чирчиқ ва Ғалаба районларида чўчқалар, Бўстонлиқ, Калинин, Янгийўл, Чиноз, Ғалаба, Оҳангарон ва Тошкент районлари хўжаликларида қўй ва эчкиларнинг нобуд бўлиши кўпайди.

Область хўжаликларида кўкламги дала ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирги кунгача мавжуд тракторларнинг 92,1 проценти, сеялкаларнинг 93.6 проценти, трактор плугларининг 89,7 проценти, культиваторларнинг 97,2 проценти соз ҳолда турибди.

Бироқ ҳамма жойда ҳам ремонт ишлари зарур суръатларда олиб борилмаяпти. Бунинг оқибатида область хўжаликларида техник жиҳатдан носоз ҳолда 1522 трактор, 553 юк автомобили бор. Айрим районларда тупроққа ишлов берадиган машиналар ва қуролларнинг анчагина қисми носоз аҳволда ётипти, озуқа йиғувчи техника ремонти суст олиб борилмоқда.

Колхозлар, совхозлар ва хўжаликлараро корхоналарда кўкламги экиш тугалланмоқда. 232 минг 127 гектар майдонга баҳорги экинлар шу жумладан 8745 гектар майдонга дон ва дон-дуккакли (маккажўхоридан ташқари), 22 минг 633 гектар ерга маккажўхори, 145 минг 491 гектар ерга чигит экилди.

Агросаноат комплексини ривожлантиришга 69 миллион сўм капитал маблағ сарфланди. Давлат маблағлари ҳисобига 128 гектар майдондаги янги суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилди, мавжуд суғориладиган ерларнинг 1133 гектарида мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ишлар амалга оширилди, 992 гектар майдонни ташкил этувчи ер капитал текисланди, суғориш системалари қайта қурилди ва уларнинг қуввати 1489 гектар майдонни сув билан таъминлашга кўпайтирилди.

Давлат капитал маблағлари ҳисобига ишга туширилган асосий фондлар 204,8 миллион сўмни ташкил этди ва 51 процент ошди. 307,4 миллион сўмлик ёки ўтган йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан 6,6 процент кўп давлат капитал маблағлари ўзлаштирилди. Шу даврга белгиланган капитал сарф лимити 99,0 процент фойдаланилди.

Транспорт айрим турларининг юк ташиши ва пассажир обороти қуйидагича бўлди:

| | 1987 йилнинг I кварталида бажарилди | 1987 йил I квартал планининг бажарилиш проценти | 1987 йилнинг I кварталида 1986 йил I кварталига нисбатан процент ҳисобида | 1987 йил мартида 1986 йил мартига нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|---|---|
| **Юк ташиш — миллион тонна** | | | | |
| Темир йўл транспорти | 7,6 | 99 | 100,5 | 99,0 |
| Автомобиль транспорти | 17,0 | 86 | 76 | 82 |
| **Пассажир обороти — миллион пассажир-километр** | | | | |
| Автомобиль транспорти | 1920 | 100,1 | 116 | 87 |
| Ҳаво транспорти | 1636 | 103 | 104 | 106 |

**Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бўлинмаси** юкларни жўнатиш планини бажаришда 89,7 минг тонна қолоқликка йўл қўйди, шу жумладан кўмир, минерал ўғитлар, цемент ва бошқа юк турлари ташиш плани бажарилмади.

**Ҳаво транспорти** қўшимча 686 минг пассажир жўнатди. **Автомобиль транспорти** планга нисбатан 2.7 миллион тонна халқ хўжалик юкларини кам ташиди. Автобусларда 252,6 миллион пассажир ташилди ёки план 104 процент қилиб бажарилди.

Ҳаракатдаги состав қониқарсиз фойдаланилди, яроқли машиналарнинг ремонтда ва уни кутишда ортиқча туриб қолишига йўл қўйилди.

**Алоқа корхоналари** асосий фаолиятдан даромадлар олиш планини 100,4 процент қилиб бажарди, бундай даромадлар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 12 процент кўпайди. Алоқа маҳсулоти ҳажми 10,6 миллион сўмликни ёки пландагига нисбатан 99,2 процентни ташкил этди.

Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти 1,0 миллиард сўмни ташкил этди ва 1986 йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан 0,3 процент ортди.

Чакана товар обороти структурасида ижобий ўзгаришлар юз берди. Алкогол ичимликларни реализация қилиш қисқарди, уларнинг товар обороти жами ҳажмидаги ҳиссаси камайди, озиқ-овқат маҳсулотларининг ва ноозиқ-овқат товарларнинг солиштирма ҳиссаси кўпайди.

Колхозлар ва совхозларнинг давлат харид қиладиган план ҳажмининг 30 проценти ҳисобига шаҳар бозорларида мева-сабзавот маҳсулотларини сотиши кўпайди.

Магазинларга келтирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг сифати кўп ҳолларда харидорларнинг эҳтиёжларига мос бўлмаяпти.

Аҳолига 30,4 миллион сўмлик (планга нисбатан 96,4 процент) турли хил пулли хизмат кўрсатилди, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 20,2 процент кўпдир.

Аҳолига 35,3 миллион сўмлик, шу жумладан қишлоқ жойларда 6,6 миллион сўмлик маиший хизмат кўрсатилди. Маиший хизматнинг умумий ҳажми 10,7 процент, қишлоқ жойларда 14,5 процент ортди. Бироқ аҳолига маиший хизмат кўрсатиш плани бажарилмади.

**Уй-жой ва социал-маданий қурилиш** (давлат капитал маблағлари ҳисобига) : умумий майдони 243,6 минг квадрат метр саҳнли уй-жойлар фойдаланишга топширилди, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 16 процент кўпдир. Умуман область бўйича биринчи квартал плани ошириб бажарилди.

1104 ўқувчи ўрни бўлган умумий таълим мактаблари, 550 ўринли мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, ҳар сменада 850 беморни қабул қилувчи амбулатория-поликлиника муассасалари ва бошқа социал-маданий хизмат кўрсатувчи объектлар фойдаланишга топширилди.

**ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ**
**ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ**

*Пропагандистлар ҳақида ҳикоялар*

# ТАЛАБЧАНЛИК АСОСИДА

Бўстонлиқ районидаги 18-ўрта ҳунар-техника билим юртининг ҳашаматли ўқув корпуси. Бу ерда ҳар бир фан учун алоҳида кабинетлар жиҳозланган. Сиёсий машғулот ўтказиладиган хона ҳам бор.

...Билим юрти ўқитувчиси Аҳмаджон Йўлдошев ўтказилаётган семинарда ўз тингловчиларига навбатдаги темани тушунтиряпти. У «Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш ва ёш авлодга таълим-тарбия беришни такомиллаштириш» мавзуси бўйича партия XXVII съезди бу соҳада белгилаб берган вазифаларга атрофлича тўхталди, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни бартараф этиш учун машғулотни В. И. Ленининг «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» асарларидан олинган маълумотлар билан бойитди.

Ҳар доим машғулотлар ана шундай жонли ва қизиқарли ўтади. Бунда, албатта тажрибали пропагандист А. Йўлдошевнинг жамоат топшириғини сидқидилдан адо этаётганлиги диққатга сазовордир. У, мана 9 йилдирки, масъулиятли партия топшириғини виждонан адо этаётир. Ўзининг ғоявий-сиёсий билимини ошириш йўлида доимо қайғуради. Давр талабига ҳозиржавоб бўлиш, изланиш, янгиликка интилиш унинг энг асосий фазилатларидандир. Шу боис ҳар бир машғулот қизғин баҳс ва фикр алмашишларга сабаб бўлмоқда.

— Сиёсий ўқувнинг таъсирчанлиги,— дейди А. Йўлдошев,— кўпроқ пропагандистга боғлиқ. Агар, у ўз устида қунт ва сабот билан ишламаса, маҳорат сирларини эгалламаса, бундай киши тингловчиларга зарур билимларни беролмайди, унинг машғулотлари қуруқ бўлиб қолади, ҳеч ким қизиқмайди. Пропагандист аввало ўзини қайта қуриб олмоғи керак.

Ҳа, Аҳмаджон Йўлдошев бунга аввалом бор ўзи амал қилади. У партия кўрсатмалари асосида қайта қуришнинг аҳамиятига атрофлича тўхталиб, буни ҳар бир ўқитувчи ва мастер қалбдан ҳис этишини, уни ҳар бир киши ўз психологиясидан бошлаши зарурлигини уқтиради. Интизом ва тартиб ўрнатишда тарбиячининг роли айниқса беқиёслигини аниқ мисоллар билан тушунтиради.

Сиёсий ўқиш самараси ортиб бораётганлиги туфайли машғулотларда 24 ўқитувчи ва ишлаб чиқариш мастерлари фаол қатнашиб, ўзларининг ғоявий-сиёсий билимларини такомиллаштирмоқдалар. Ўрганилган темалар асосида конспектлар ёзиш, ўзаро фикр алмашишга жиддий эътибор бераётирлар.

Билим юрти ўқувчиларининг самарали ишлашлари туфайли сўнгги уч йил ичида 2 мингдан зиёд турли касб эгалари ишлаб чиқаришга юборилди. Ёшларни ахлоқий, меҳнат, интернационал, атеистик ва ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга эришишда сиёсий ўқишнинг роли катта бўлмоқда.

Моҳир пропагандистнинг лекторлик фаолияти ҳам диққатга сазовордир. У «Билим» жамияти бошланғич ташкилотига 20 йилдан бери аъзо бўлиб, юзлаб кишилар унинг сермазмун лекция ва суҳбатларидан баҳраманд бўлишмоқда. Яқинда «Қозоғистон ССР 30 йиллиги», «Ленинград» колхозлари ҳамда «Бўстонлиқ» совхозида КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми ҳужжатларидан келиб чиққан ҳолда меҳнаткашлар ҳузурида сермазмун лекциялар ўқиди.

Шонли партиямиз ғояларини кенг пропаганда қилишдаги кўп йиллик хизматлари учун А. Йўлдошев КПСС Марказий Комитетининг В. И. Ленин сурати туширилган стол устига қўйиладиган медали билан тақдирланди. Бу юксак мукофот пропагандистни тарғиботчиликда янги парвозларга ундамоқда.

**А. РАҲИМБЕРДИЕВ.**

## СИЁСИЙ ДОКЛАДЧИЛАРГА ЁРДАМ

# ЛЕНИНЧАСИГА, КОММУНИСТЧАСИГА ЯШАЙЛИК ВА ИШЛАЙЛИК

### 1987 ЙИЛ 15 МАЙДА ЎТАДИГАН ЯГОНА СИЁСИЙ КУН ШУ МАВЗУГА БАҒИШЛАНАДИ

Халқимиз олдида йирик, мураккаб проблемалар турган тарихнинг туб бурилиш пайтларида партия тўплаган катта тажрибани танқидий мушоҳада қилиб, марксча-ленинча фаннинг мустаҳкам негизига, В. И. Ленин ғояларининг битмас-туганмас бойлигига таяниб, бу муаммоларни ҳал қилишнинг тўғри йўлларини ва усулларини қидириб топди ва қидириб топмоқда. Худди шу Ленин ғояларидан биз совет қонунларидан чекинишларнинг турли кўринишларига, кишиларнинг янги турмуш тарзи бузилмас принципларии нормаларидан четга оғишларга муросасиз муносабатда бўлишни характерловчи бой турфа фикрларни топамиз. Ҳозирги шароитларда жамиятни, социалистик турмушни бошқаришнинг илмий усулларини қўлланишдаги нуқсонлар, бузилишларга ленинча муросасизлик билан муносабатда бўлиш ниҳоятда муҳим сиёсий аҳамиятга эгадир.

Ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленумида шундай деди: «Биз ... Владимир Ильич Ленинга, унинг фикрларига, ғояларига доимо мурожаат этаяпмиз. Бу — шунчаки зўр ҳурмат нишонаси эмас, Лениннинг обрў-эътиборини тан олишгина эмас. Бу — ленинизм руҳини ҳозирги шароитда қайта тиклаш ва имкони борича тўлиқроқ қайта тиклашга, турмушимизда кадрларга нисбатан ленинча талабларни қарор топтиришга саботли интилишдир. Ленин революцион курашнинг муваффақияти, жамиятни ҳар қандай тубдан қайта қуришнинг муваффақияти кўп жиҳатдан партия бошлаб берадиган кайфият билан белгиланади, деб нақадар эҳтирос билан нақадар муттасил таълим берганини эсга олинг».

КПСС XXVII съездидан кейинги ижтимоий тараққиётнинг бориши партия тўғри йўл тутганлигидан далолат бермоқда. Қайта қуриш ва жадаллаштириш ғояси аҳолининг барча табақаларини, меҳнаткашларнинг барча категорияларини қамраб олди. Ленин таърифлаганидек буюк «революция, тикланиш ва янгиланиш кучлари» ҳаракатга келди. Ижтимоий муҳитдаги ўзгаришларни қайта қуришдаги биринчи самаралар деб айтиш мумкин. Лоқайдлик, бефарқлик, бепарволикни таг-томири билан бартараф этишга қаратилган муайян қадамлар қўйилди. Меҳнаткашлар ўзларини давлат хўжайинлари эканликларини тобора чуқур тушунмоқдалар, давлатнинг ҳозирги даври ва келажаги учун ўзларини масъул эканликларини сезмоқдалар.

Қайта қуриш ҳаётнинг энг чуқур қатламларига сингиб, бутун фронт бўйлаб кенг ёйилиб, мамлакатдаги, ҳар бир меҳнат коллективидаги вазиятга тобора катта таъсир кўрсатмоқда, янги сифат қирраларига эга бўлмоқда.

Партия XXVII съезди томонидан берилган ҳақиқат сабоғи таъсир кўрсатмоқда. Иш аҳволини объектив ўз-ўзини танқид асосида баҳолаш, ишда расмиятчилик ва бир қолиплиликдан воз кечиш характерли хусусиятлари бўлиб қолган партия комитетлари, жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари сони ортмоқда. Тақиқланган зоналарни ва камчилиги кўрсатилиши мумкин бўлмаган шахсларни тан олмовчи танқид, оддий меҳнаткаш ёки раҳбар ходим бўлишидан қатъий назар танқид қилишга лойиқ бўлганлар шаънига тўғридан-тўғри йўналтирилган танқид аста-секин ҳаёт нормаси бўлиб қолмоқда. Ўзини танқиддан четда сақлашга, уни бўғишга интилган ходимлар кўпчиликнинг қатъий қаршилигига тобора кўпроқ ва қаттиқроқ учрамоқда.

Амалий ҳаракатлардаги аниқ мақсад ва қатъийлик тобора ҳаётга чуқур сингиб боряпти. Халқ хўжалигининг моддий-техника базасини тубдан ўзгартириш, чуқур реконструкция қилиш бошланди, структура ва инвестиция сиёсатида ўзгаришлар бўлмоқда. Фан-техника тараққиётининг етакчи йўналишлари бўйлаб кенг миқёсли аниқ мақсадга қаратилган программалар қабул қилинди. Бошқарувни такомиллаштириш юзасидан йирик чоралар амалга оширилди, социал соҳада, маданият соҳасида туб ўзгаришлар бўлмоқда.

Буларнинг ҳаммаси муайян самара беряпти. Бу самара доим ортиб боради. Эришилган ютуқларни бўрттирмасдан шуни айтиш мумкинки, хўжалик аҳволининг умумий яхшиланиши сезилмоқда, ижобий тенденциялар тобора кучаймоқда.

Демократияни кенгайтириш экономикадаги ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятидир. Халқ хўжалигидаги ўзгаришлар ленинча «хўжалик соҳасида айни демократик централизмни амалга ошириш» талабига тўла жавоб беради. Ленин демократик централизмнинг кучини унинг иккала томонга — марказлашган план раҳбарлигига ҳам, омманинг кенг ташаббусига ҳам уларнинг фаол ўзаро ҳамкорлигига таъсир қилишида кўрди. Бироқ кўп йиллар давомида марказнинг роли асоссиз равишда кучайтирилди, ишлаб чиқаришда демократияни ривожлантиришда эса қуруқ сўздан нарига ўтилмади. Инсон омили таъсири узоқ вақт давомида етарли баҳо олмади. Ваҳоланки, худди шу нарса социалистик жамият учун табиий, узвий хос бўлиб, энг кўп самара берадиган кучдир. Марказлаштириш керак, лекин у мустақилликни барбод этмаслиги лозим, демократизм билан қатъий диалектик уйғунлашиши лозим.

Жадаллаштириш иқтисодий ўсишнинг қатъий қонунияти бўлиб қолиши учун унинг узоқ вақт таъсир қиладиган омилларини, биринчи навбатда фан-техника тараққиёти ютуқларини тўла даражада ўзлаштириш лозим. В. И. Ленин барча фанни, техникани, барча билимни, санъатни ўзлаштириш керак, бусиз биз коммунистик жамият турмушини қура олмаймиз, деган эди. Худди шундай ленинча муносабат ҳозирги кунларда ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Биз социализмнинг афзалликлари ва чексиз имкониятларини бутун дунёга кўрсатишимиз, маҳсулот самарадорлиги ва сифати, меҳнат унумдорлиги бўйича жаҳонда энг илғор марраларга чиқиб олишимиз керак.

Бунинг учун эса янгича фикрлашни, янгича ҳаракат қилишни ўрганиш, янги вазифаларни ҳал қилишга янгича муносабатда бўлишни ўзлаштириш лозим. Қайта қуришнинг мушкуллиги ва мураккаблиги ҳам худди шундадир.

Қайта қуриш бюрократизмга қарши актив кураш олиб боришни талаб этади. В. И. Ленин айтганидек, бюрократларнинг айби билан меҳнаткашлар муассасага тўрт ёки беш марта келадилар ва ниҳоят расмий жиҳатдан тўғри, аслида таҳқирли жавоб оладилар. Бюрократизм ва сансалорликнинг хавфли томони ҳам худди шундадир. Чунки бундай сарқитлар совет қонунларини амалга ошириш учун олиб борилаётган бутун ишга путур етказади ва бу билан қонунларни ёмон отлиқ қиладилар, улар билан бирга Совет ҳокимиятини обрўсизлантирадилар.

Бюрократизмнинг яна бир катта хавфи шундаки, давлат ҳаёти масалаларини ҳал қилишда Советлар, унинг айрим ходимларининг амалдаги ваколатлари қориштириб юборилади. Ҳозирги вақтда бизнинг жамиятимиз ана шундай кўнгилсиз хатти-ҳаракатларга қарши кескин кураш бошлаб юборди. Ошкоралик, танқид, демократик асосларни янада ривожлантириш шундай хатти-ҳаракатларга қарши муваффақиятли курашиш омилидир. Худди ана шулар янгиланишнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида майдонга чиқмоқда, уларнинг бўлмаслиги эса яна турғунликка олиб келиши мумкин.

Айни вақтда демократия асло анархия ва қуюшқондан чиқиб кетиш деган гап эмаслигини, ўч олиш ва ғаразгўйлик мақсадида бировга доғ тушириш имконияти эмаслигини зўр куч билан яна бир бор таъкидлаб ўтиш керак, деб ҳисоблаймиз. Чинакам демократия ҳалолилик ва софликдан, масъулиятдан, фикр юритишда тўғриликдан ва бошқалар фикрини ҳурмат қилишдан, социалистик жамият қонунлари ва нормаларига қатъий риоя этишдан ажралмасдир.

Бошқа яна бир хавфли хатти-ҳаракат — хўжа кўрсинчиликдир. В. И. Ленин ҳақиқатни бўяб кўрсатишнинг ҳар қандай формасини қатъий ва кескин қоралаган эди. У ҳар қандай, ҳатто энг яхши хомхаёллар ҳам зарарли, бизга аччиқ бўлса ҳам ҳақиқат керак, деган эди.

Ўртоқ М. С. Горбачев ВЛКСМ XX съездида шундай деди: «Ҳозир орзудагини ҳақиқат қилиб кўрсатиш, натижаларни сохталаштириб мослаштириш, ҳали эришилмаган жойларда муваффақиятлар, ютуқларга эришилди, деб кўрсатиш энг ёмон иш бўлур эди. Ҳали содир бўлмаган ўзгаришларни безаб тасвирлаш ёмон иш бўлур эди. Агар биз эҳтимол, энг хатарли бўлган душман — сохта дабдабабозликни, афсуски, чуқур илдиз отган шундай одатни бартараф эта олмасак, қайта қуришга бўлган ишончга путур етади».

Эришилган ютуқларни бўяб кўрсатиш, баландпарвоз сўзлар, рапортбозлик қандай ёмон оқибатларга олиб келишини республикамиз мисолида яхши кўрдик. Баландпарвоз сўзларни камайтириш, мазмуни жиҳатидан самарали ишларни кўпроқ кўрсатиш бизнинг шиоримиз бўлиб қолиши керак.

Халқ оммасини у ёки бу ҳужжатни ишлаб чиқишга, раҳбарларни сайлашда қатнашишга кенг жалб қилиш жараёни ҳам ленинча ғояларга ҳамоҳангдир. В. И. Ленин омма ўзи учун масъулиятли раҳбарларни сайлаш, уларни алмаштириш ҳуқуқига, улар фаолиятининг ҳар бир энг кичик қадамини ҳам билиш ва текшириш, ўз аъзолари бўлган ишчиларнинг ҳаммасини фармойиш берувчи вазифаларни бажаришга кўтариш ҳуқуқига эга бўлиши керак, деган эди. Зероки, ҳар бир кишининг фазилатлари ва нуқсонларини у билан бирга ишлайдиган ўртоқларидан кўра ҳеч ким яхши билмайди, ҳеч ким коллектив ишончини бундай юксак қадрламайди.

Сайлов системасидаги айрим ўзгаришлар муносабати билан меҳнаткашларнинг активлиги анча ошди. Депутатликка номзодларни кўрсатиш ва муҳокама қилишда манфаатдорлик билан иштирок этиш илгари мавжуд бўлган пассивлик ва лоқайдликни алмаштирди. Ҳозирги депутатлар халқнинг тўла ҳуқуқли вакиллари бўлишларига шубҳа йўқ.

Партия ҳар қандай ишнинг муваффақияти ҳал қилувчи даражада омманинг бу ишда қанчалик актив ва онгли иштирок этишига боғлиқлигини ҳисобга олиб, кенг меҳнаткашлар қатламларини танлаб олинган йўлнинг тўғрилигига ишонтириш, уларнинг меҳнат натижаларидан манфаатдорлигини ошириш, кадрларнинг психологиясини қайта қуришга қаратилган катта ишни олиб бормоқда.

Совет кишиларининг меҳнат ва ижтимоий активлиги ошганлигини кўрсатувчи кўп сонли ва турли хил мисоллар келтириш мумкин. Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига юксак социалистик мажбуриятлар олган меҳнат коллективларининг ташаббуслари, шу сана шарафига социалистик мусобақанинг кенг авж олиши, маҳаллий Советлар ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг активлашганлиги, ичкиликбозлик, таъмагирлик, ахлоқимиз нормаларининг бошқача формада бузилишига қарши курашнинг кучайиши шулар жумласидандир. Қисқа қилиб айтганда, биз инсон омили деб атаётган куч тобора кўпроқ ҳаракатга келмоқда.

КПСС XXVII съезди томонидан қабул қилинган социал программа, мамлакатимизда содир бўлаётган демократик ўзгаришлар шу инсон омилини активлаштиришга қаратилгандир. КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг социал масалаларни тўғри ҳал қила олиш, кишиларнинг унумли меҳнат қилишлари, турмушлари учун қулай шароитларни яратиб бериш ҳар бир раҳбарнинг сиёсий ва ишчан етуклигининг асосий ўлчовидир, деган кўрсатмасини эсдан чиқармаслик керак.

Социалистик ахлоққа зид ҳолатлар, маънавийлик соҳасидаги салбий кўринишларга қарши кураш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари, бизнинг ҳаётимизда қўшиб ёзишлар ҳам, талон-торож қилишлар ҳам, прогуллар ҳам, безориликлар ҳам бор. Ичкиликбозлик, меҳнатсиз даромадлар ишқибози бўлган шахслар бемалол яшаётган жойлар ҳали ҳам йўқ эмас. Раҳбарнинг маънавий қиёфаси коллективнинг меҳнат муваффақиятларини таъминловчи ахлоқий софлигига таъсир қилади. Меҳнатни ташкил этиш, имтиёзларни тўғри тақсимлаш, социал адолатга риоя этиш кишиларнинг онги ва кайфиятига бевосита таъсир кўрсатади. Умуман, жамиятни қайта янгилаш ва кишини ғоявий-ахлоқий тарбиялаш жараёнларининг қўшиб олиб борилишига эришиш керак.

Иқтисодий, социал ва маънавий муаммоларни, истиқболли ва оператив вазифаларни комплекс ҳал қила бориб, эришилган ютуқларни мустаҳкамлабгина қолмай, яна олға бориш, ишга ўсишнинг узоқ муддатли омилларини кенг қўшиш керак. Барча йўналишларда сезиларли ижобий силжишларга эришиш, уларнинг тўхтовсиз ривожланишини таъминлаш лозим.

Бу йил қайта қуриш революцион назариясининг реал, конкрет, сезиларли ишга айланиши бошланган йилдир, Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги нишонланадиган йилдир. Цехларда, бригадаларда, ҳар бир иш ўрнида муваффақиятларимиз ва жадаллаштиришимизни минбардан туриб берилган ваъдалар эмас, балки ҳар кунги оддий ишларимиз белгилайди. Аниқ маром, интизом ва уюшқоқлик, ишда ҳар томонлама ижобий силжишга эришишга бўлган қобилият ҳозирги кунда барча ишларимизнинг ҳал қилувчи омили, қайта қуришнинг аниқ кўрсаткичи бўлиб қолмоқда.

